

«АЁЛЛАР ОРАСИДА ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЖТИМОЙ МОДУЛНИНГ ТУТГАН ЎРНИ»

Калниязова Инобатхон Байрамовна¹

Юлдошова Нилуфар Хударган қизи²

Сайфиддин Хожжи Қадриддин Шухрат ўғли³

Мадреимов Амет Мадреимович⁴

Тошкент давлат тиббиёт университети,

Эпидемиология кафедраси ассистенти (PhD) Ўзбекистон, Тошкент¹

Тошкент давлат тиббиёт университети Эпидемиология кафедраси

1-курс магистранти, Ўзбекистон, Тошкент²

Тошкент давлат тиббиёт университети

Ёшлар академияси лидери, Ўзбекистон, Тошкент³

Қорақалпоқистон давлат тиббиёт институти

Эпидемиология кафедраси т.ф.д., профессор, Қорақалпоқистон, Нукус⁴

Долзарблиги: Ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммолар кишилар ҳаётининг ёмонлашуви, уларнинг ўз вақтида ҳал қилинмаслиги оқибатида ижтимоий таҳдидлар кучайиши билан изоҳланади. Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳатларни самараси билан узвий боғлиқ. Бу эса ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини тадқиқ этишни долзарблигидан далолат беради. Кўплаб аёллар ва қизлар гендер тенгсизликлар туфайли ҳаётининг кўп қирраларини, хусусан, жинсий масалаларни назорат қилиш учун ижтимоий ва иқтисодий кучга эга эмаслар. Натижада, аёллар жинсий музокаралар ва шериклари билан жинсий саломатлик билан боғлиқ бошқа масалаларда қийин вазиятларга дуч келишади. Норасмий ташқи ва ички миграция жараёнлари ОИВ/ОИТС тарқалишига асосий сабаб бўлмоқда. Қашшоқлик баъзи аёлларни хавфли хулқ-атворга ёки хавфли вазиятларга ундайдиган бошқа омиллардан бири эканлиги қайта-қайта исботланган. Агар биз МРЕИХКШларни ўрганадиган бўлсак, уларнинг аксарияти иқтисодий аҳволи ёмон бўлганлиги сабабли шу «касб»га эга эканлигини кўрамыз. Аёллар ва қизлар ҳам одам савдосининг кучайишига мойил бўлишади. Шу боис ОИВ-инфекциясининг профилактикасини такомиллаштиришда «ижтимоий модел»ни қабул қилиш учун анъанавий «тиббий» ёндашувдан четга чиқишимиз кераклигини тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: аёллар орасида ОИВ-инфекциясининг профилактикасини такомиллаштиришда ижтимоий модулни аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг материаллари: Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказининг 2024 йилдаги расмий маълумотлари ва статистик ҳисоботлари олинди.

Тадқиқот усуллари: эпидемиологик ва статистик.

Натижалар: Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 1-январ ҳолатига кўра, жами ОИВ-инфекцияси жинслар бўйича сон жиҳатдан солиштирма таҳлил натижалари 54,7% эркеклар, 45,3% аёллар (n=50358) ҳисобига тўғри келмоқда. 2022-йил 1-январда ОИВ-инфекцияси янги аниқланганларнинг ижтимоий ҳолати бўйича таҳлил натижаларига кўра (n=3289), 0,03% ўқитувчилар, 7,7% хизматчилар, 14,6% ишчилар, 1,6% савдо ходимлари, 1,1% тиббий ходимлар, 2,5%ни тадбиркорлар, 0,3%ни ҳарбий хизматчилар, 0,1% ички ишлар вазирлиги хизматчилари, 4,2% нафақахўрлар, 2,0% талабалар, 6,8% мактаб ўқувчилари, 3,3%нинг иш жойи ноаниқ, 0,6%ни уюшган мактаб ёшгача бўлган болалар ва 0,6%ни уюлмаган мактаб ёшгача бўлган болалар ташкил этган бўлса касалланганларнинг 53,9%ни ҳеч қаерда ишламайдиганлар ташкил этган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ОИВ-инфекциясининг профилактикасини такомиллаштиришда тиббий модуль ОИВни ўз вақтида аниқлаш, махсус даволаш ва тиббий назоратга олишдан иборат бўлса «ижтимоий модуль» касалликка қарши курашишда тиббий чоралар эмас балки, жамиятнинг ўрни ва иштирокини назарда тутувчи йўналишдир, яъни аҳоли орасида ОИВ-инфекцияси ҳақида хабардорликни ошириш, ижтимоий-руҳий қўллаб қувватлаш билан дискриминация ва ксенофобиянинг олдини олишни тақозо этади.